



# ЖАМИЯТ

№ 2 (638)  
2019 йил  
18 январь,  
жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.jamiyatgzt.uz @ jamiyat@umail.uz

## «ҲАР КИМ ЎЗИДАН БОШЛАШИ КЕРАК»

**Ислохотларнинг юришиб кетиши кимга боғлиқ? Бу саволга Президентимиз халқ билан мулоқот давомида аниқ жавоб берди: «Ҳар ким ўзидан бошлаши керак».**

Дарҳақиқат, бугунги гоят масъулиятли даврда ҳеч ким четда туриши мумкин эмас. Кўнглида Ватанга муҳаббати бўлган, фарзандлар бахту камолини ўйлаган юртдошларимиз ақиллик, фаоллик ва фидойилик кўрсатиши лозим.

Хўш, ислохотларни ҳаётга изчил жорий этиш борасида сизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Худди шу савол билан айрим юртдошларимизга мурожаат қилдик.

Расул КУШЕРБАЕВ, Олий Мажлис Қонунчили

палатаси депутати:

— Ҳар ким ўзидан бошлаши керак, деган эзгу даъват энг ҳаётий ва амалда намуна бўлиши мумкин бўлган иш.

Бугун одамларнинг дунёқарашини, талабини тез ўзгартириб бериш. Чунки улар давлатимиз раҳбарининг сўзларини тинглаб, унда билдирилаётган таклифлар, фикрларнинг ҳар бири оддий одамлар ҳаётига дахлдор эканига ишонишяпти ва бугун бу ишлар амалда ифодасини топишини исташмоқда. Бироқ Президент ва халқ ўртасидаги оралиқ бугун — кўпчилигимизга, шу жумладан, ўзимизга ҳам бу гоёлар амалда намоён бўлишига қанчалик ҳисса қўша оляпмиз, қонунларни шунга мослашга, амалда тўғри ижросини топтиришга улгурапмизми, деган саволга жавоб бериш қийин бўлиб турибди.

Давоми 2-саҳифада ►►

Ушбу сонда:

## ХОРИЖ ДИПЛОМИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАН ОЛИНАДИ



## УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ БИЗГА КЕРАКМИ?



## ИККИ ЁШЛИ БОЛАЛАР ҲАМ БОҒЧАГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ



## ДУНЁ ХАРИТАСИДА ЯНА БИР ИЛМИЙ МАРКАЗ ПАЙДО БЎЛДИ

## ГЕРМАНИЯ МЎҶЖИЗАСИ



## ЖИЛОВ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?!



## ТАДБИРКОР НЕГА ХОР?



## ТЕЛЕВИЗОР КЎРИШГА ҚЎРҚИБ ҚОЛДИМ



Жаҳон айвони

Аҳоли мурожаатлари

«Жамият» муҳокамага чорлайди

Мазнавийт

«Жамият» муҳокамага чорлайди

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ўзбекистон сайёҳлар учун хатар даражаси паст бўлган кам сонли мамлакатлар рўйхатига кирди.

«Бошланиши 1-саҳифада»

Биз жамият турли фикр ва фикрлар асосида шаклланиб бораётган демократик давлатда яшаймиз ва бу жараёнда ҳамма бир хил ўйлашга, бир хил фикрлашга ўргатиб бўлмайди. Бунда, айниқса, депутатлар ва қонун ташаббускори субъектлари алоҳида аҳамиятга эга. Қонун лойиҳаларими ёки бошқа масала ҳақида гап кетадими, бунга доимо «агар мен шу масалада дахлдор фуқаро бўлганимда шу ишдан рози бўлган бўлардим», деган саволга жавоб излашга ҳаракат қиламан. Рози бўлишга жавоб тополмадимми, эътирозимни айтишга мажбурман.

Афсуски, сўнгги пайтларда қониқарли жавобсизликдан кўпроқ савол бериш, танқид билдиришга тўғри келмоқда. Бундай саволлар эса айримларга ёқмайди. Шу боисдан Президентимизнинг «ўзгаришларни ўзимизда бошлаш» деган даъвати одамларнинг ўзгариётган дунёқараши ва талабига монанд бизнинг ҳам ўзгаришимиз, бунда, аввало, ўзимиз намуна бўлишимиз кераклигини тушуниш керак. Энг катта ўзгаришимиз эса «таниш-билиш» ёки «рози қилиш» сингари иллатга айланган одатларимиздан воз кечишдан бошласак, айни мудоабоз бўлади.

**Улукбек САМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Инсоннинг туғилишидан бошлаб ўз бурчи бўлади. Мактабдан бошлаб илм олиш ва олий ўқув юртига кириш, ота-онасига хизмат қилиш ёки қайси соҳада ишласа ҳам, ватанпарварлик ёлғиз ўз Ватанига меҳр қўйиш дегани эмас. Бу Ватан билан ўзини бир бутун деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларидан асқатиш демакдир.

Ватанпарварлик баландпарвоз иборалар ва умумий гаплардан иборат эмас, балки у ватанга муҳаббат ҳисси билан ориқча дабдалаларсиз ўз фикрини билдириш, фуқароларнинг ишончини оқшатириш. Шиддатли ислохотлар жорий қилинаётган пайтда ҳар бир инсон Президентимиз томонидан билдирилаётган тақдирларни амалга оширишда, энг камда, бефарқ бўлмай турса ҳам, катта ёрдам берган бўларди. Чунки бефарқлик

# «ҲАР КИМ ЎЗИДАН БОШЛАШИ КЕРАК»

бизнинг энг катта душманимиздир.

Ўзгаришларни ўзидан бошлаш деганда, мен ҳар бир инсонни ҳар қандай ўзгаришга дахлдор бўлишга интилишини тушунаман ва шу орқали Ўзбекистонда ҳақиқий адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришимиз мумкин, деб ҳисоблайман. Аввало, ўзимиз бефарқ бўлмайлик ва бундан бошланадиган бошлайлик.

**Фатхулло МИРОХУРОВ, Сирдарё иссиқлик электр станцияси 1-қозон-трубина цехи бошлиғи:**

— Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифи жараёнини кузатиб, бир нарсга амин бўлдимки, юртимизда йилдан-йилга электр энергиясига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Қараиш, биргина Самарқанд вилоятида қанча-қанча лойиҳалар ижросига киришилмоқда. Шуларни ўйлаб, биз, энергетиклар зиммасига нечоғли масъулият юкланаётганини чуқур ҳис қилдик. Станциямизда бошланаётган кенг қўламли модернизациялаш ҳам узокки кўзлаб қилинаётган тадбирлардандир. Буларнинг натижасида электр қуввати ишлаб чиқариш таннари анча арзонлашди. Ислохотлар мисолида кўрганымиздек, чуқур қайта ишлаш туғайли катта ҳажмдаги газ ёнилғиси тежаб қолинади. Айни мана шу тежамкорлик масаласида гапирадиган бўлсак, нафақат электр ишлаб чиқаришга кетадиган харажати қисқартириш чораларини қўриш, балки истеъмолчилар томонидан ҳам мазкур ҳаётини қувватдан омилкорлик билан фойдаланишнинг самарали механизмларини янада кенг жорий этмоқ керак. Яъни тежамкорликка риоя қилишимиз ислохотларни жадал ривожлантиришда муҳим омил, деб ўйлайман.

**Ҳанифа БАЙРБЕКОВА, Гулистон туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— Президентимизнинг мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб ҳар бир ташрифидан ўзимиз учун бирор хулосага келамиз. Билдирилган тавсия ва топшириқлар

ижроси учун ҳар биримиз ўзимизни масъул деб биламиз. Фуқаролик бурчининг нечоғли масъулиятли экани ҳам ана шундандир. Хусусан, халқ таълими соҳасини оладиган бўлсак, тизимдаги ислохотларнинг асосий ижросиси, албатта, биз, олий ўқитувчилар ҳисобланамиз. Ўз навбатида, бу вазифани тўлатқис адо этишда ота-онанинг ўрни беқийс. Шу маънода, фарзандларнинг таълим жараёнини ўзлаштириш даражаси назорати юзасидан ота-онанинг ҳам мажбуриятини ошириш керак, деб ўйлайман. Лекин тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтишим лозимки, ҳамма ота-она ҳам фарзандларнинг таълимга бўлган иштиёқини оширишда етарли малакага, психологик тайёргарликка эга эмас. Шу боис, агар улар учун психологик машғулотлар, яъни ўқувлар ташкил этилса, айни мудоабоз бўлар эди. Бу боланинг мактабда ҳам, уйда ҳам юқори даражада таълим олишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

**Саодатхон АҲМЕДОВА, уй бекаси (Андижон тумани Ҳакан маҳалласи):**

— Менимча, ҳар қандай ҳаракат қуйдан бошланади. Мисол учун, нимага мен уй бекасиман, деган баҳона билан жамиятни четдан кузатишим керак? Бу жамиятда, ҳатто, уй бекасининг ҳам ўрни катта-ку! Болаларимни яхши тарбиялаш, уйимни саранжом тутишдан ташқари, кафтдеккина томорқамдан катта даромад олишим орқали юрт иқтисодиётига ҳисса қўша олмайманми? Бу йил икки сотих томорқамдан тўрт миллион сўм фойда кўрдим. Оилам бюджетини учун бу катта даромад. Ҳозир бу ерга ошқуқ сеппи қўйдим. Январ-феврал ойларида бозорга чиқариш мумкин. Хомчўт қилиб кўрсам, баҳоргача яна тўрт миллион сўм даромад оламан деб ўйлан экан. Энди ўзингиз ўйланг, битта кўчада эллик-та хонадон бўлса, уларнинг ҳар бири баҳоргача шунча даромад олишини йўлга қўйса, бу нафақат ўз оиламиз, балки юртимиз бозори учун, демакки, давлатимиз иқтисодиёти учун ҳам

фойда-ку! Шу боис ҳам қўни-қўшнларимни ўзимгаги фикрлар билан ўртоқлашишга ундамоқдан. Ахир, ҳар ким қўлидан келган ишни сифатли ва сидқидилдан адо этиши зиммадаги бурч-ку?!

**Ақмал АҲМАДЖОНОВ, тadbиркор (Наманган шаҳри):**

— Хом ашё, энергия таъминоти, тайёр маҳсулотни сотиш, дегандай тadbиркор фаолиятининг барқарорлиги томонлар билан тузилган шартнома ва унинг ижросига боғлиқ. Бироқ масаланинг айни жиҳатига ҳамма бирдай масъулият билан ёндашмайди. Шериклар билан келишувнинг ҳар қандай бузилиши натижаси кўзда тутилган режа ижросига дахл қилади. Ҳар ким қайсидир вазифа мажбуриятини олдим, амалда собит турсин. Ахир, боболаримиз лафзни бежиз муқаддас билмаган. Айтмоқиманки, мен ким биландир шартнома туздимми, сўзимнинг улда-синдан чиқай. Шунда шерикларга талаб қўя оламан. Шартнома интизоми эса амалий ифодасини топади.

\*\*\*

Муайян ҳудудда фалон триллион сўмлик лойиҳа амалга оширилди, деган ҳисоботларни эшитиб қоламиз. Бу озми, қўпми? Ундан хурсанд бўлишимиз керакми ёки аксинча?.. Умумлаштирилган рақамлар эмас, балки фуқароларнинг шахсий ҳиссасига баҳо берилса, ҳар ким ўзидан бошлаганининг аниқ мисоли ифода топарди.

Президентимизнинг Олий Мажлисага йўллаган Мурожаатномасида «Янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўйиш — Яратганини ўзи бизга берган тарихий имконият, десак, тўғри бўлади.

Барчамиз бундан чуқур англашимиз, қадрига етишимиз зарур» деган даъвати жамиятимиз олидаги вазифаларни аниқ кўрсатиб турибди. Бу Ватан фарзандларининг муқаддас бурчидир.

**Шухрат ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист

## МЕҲНАТ МАҚСАДГА ЭЛТАДИ

**Президентимиз Самарқанд вилоятига навбатдаги ташрифи мобайнида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан яқиндан танишди.**

Хусусан, вилоятда интенсив боғлар, пахта-гўқимачилик кластерлари ташкил этиш, сув тежайдиган технологиялар, паррандачиликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларининг тақдиротлари ўтказилди. Бу қишлоқ ҳўжалиги ходимлари учун камчиликлардан етарлича хулоса чиқариш, галдаги вазифаларни белгилаб олишда аҳамиятли бўлди.

Қўшработ туманидаги фермерлар давлатимиз раҳбарининг қўрсатмалари асосида эндиликда замонавий технологияларни кенг жалб этиш орқали соҳани янада ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олди. Сир эмас, туманимизда деҳқончилик қилишнинг ўзига яраша машаққати бор. Чунки асосий ер майдонлари лалмикор, сув эса муаммо. Президентимиз вилоятда 37 минг гектардан зиёд лалми ер майдонларидан

унумли фойдаланилмаётгани, уларни ишга солиб, аҳолини иш ва арзон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мумкинлигини қайд этди. Биз ҳам айни шу мақсадларга эришиш учун астойдил бел боғлаганмиз. Жумладан, «Ривожилдин-Мухриддин» фермер ҳўжалиги томонидан имтиёзли кредит маблагини эвазига 890 миллион сўмлик бурғулаш машинаси олиб келинди. Ушбу замонавий техника орқали фермер ҳўжаликлари ва аҳоли томорқаларини сув билан таъминловчи артезан кудуқлари ишга туширилмоқда. Қўшработ «Агросервис» МЧЖ кўмаги билан хонадонлар ҳовлисига имтиёзли нархда ичимлик суви учун кудуқлар қазиб берилмоқда.

Олдимизда турган яна бир вазифа, Юртбошимиз таъкидлаганидек, лалмикор ерлардан оқилона фойдаланиш. Қўшработлик деҳқонлар, фермерлар бундан ҳам улдалай олишига ишонаман. Чунки улар гайрат-шижоати орқали ҳар қандай ер билан тиллаша олади. Бундай машаққатли меҳнат эса, албатта, мақсадга элтади.

**Алишер АЧИЛОВ,**  
Қўшработ фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси



## ИШОНЧ БИЗГА КУЧ БЕРАДИ

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи давомида туманимиздаги Шимолий Ирландиянинг «Nortec Estate LLP» компанияси ҳамда Ўзбекистоннинг «Топу Green» фирмаси томонидан ташкил этилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва қадқоқлашга ихтисослаштирилган «Pet Agro Oil» қўшма корхонасини қўздан кечириб, фаолиятимизга муносиб баҳо берди.

Айтиш жоиз, айни пайтда корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш устида иш олиб бораёмиз. Хусусан, Италия, Австрия, Туркия, Швейцария, Ҳиндистон, Болгария ва Хитойдан 7 миллион долларга замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, 800 кишининг бандлиги таъминланади. Кунига 350 тонна ўсимлик ёғи, 3 минг тонна томат пастаси, 2 минг 500 тонна олма

концентрати ишлаб чиқарилади.

Президентимиз корхонага ташрифи чоғида вилоятга бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг Туркия, Хитой ва Испания давлатларидаги элчиҳоналари ҳамда Афина шаҳридаги Бош консулликнинг кўмагида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти билан ҳам танишди. Юртбошимиз лойиҳалар асоси, самарадорлиги юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Бу билан амалга оширишимиз лозим бўлган чора-тадбирларни янада аниқ-равшан тасаввур этдик, зиммамизда қандай масъулият борлигини яна бир қарра ҳис қилдик.

Президентимиз ҳар доим тadbиркорларга катта ишонч билан қарайди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Халқимиз ҳам бизнинг саёй-ҳаракатларимиз, ташаббусларимизга хайрихоҳ. Буларнинг бари бизни жуда қувонтиради, янги режаларга руҳлантиради, куч беради. Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга бу галги ташрифи ҳам шу юртни, шу элни севган ҳар бир тadbиркорга мана шундай далиллик, кўтаринчилик бағишлагани шубҳасиз.

**Бахтиёр МАЪРУПОВ,**  
«Сибё» Бирлашган компаниялари бош директори



Айни пайтда тажриба-синов тарихида Алишер Навоий ва «Пахтакор» метростанцияларида жамоат Wi-Fi қўрилмалари ишланмоқда.

# ДУНЁ ХАРИТАСИДА ЯНА БИР ИЛМИЙ МАРКАЗ ПАЙДО БЎЛДИ

**Б**из толеи кулган, бахту саодатли халқмиз. Юртимиз тинч, одамларимиз самимий, қалби мусаффо. Тупроғимиз зар, сувимиз зилол. Бу — бизга Яратганининг инояти, туҳфасидир. Буларни қадрлаш эса бурчимиз. Негаки, неъматнинг шукронасини айтиш унинг янада барқотли бўлишида муҳим омилдир. Ота-боболаримиз ким, биз кимларнинг наслу насабимиз, деган саволларни ҳар куни ўзимизга бериб турсак, буюк аجدодларимизга муносиб бўлишга ҳаракат қилсак, аҳил бўлсак, юртимиздан файз аримайди, деб умид қиламиз. Зеро, **Ўзбекистон — буюк алломалар юрти. Юртбошимиз ташаббуси билан Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқотлар маркази, Термизий, Насафий, Марғинович илмий марказлари ташкил қилинди. Калом, Ҳадис, Тасавуф, Ақида, Фикҳ илми бўйича 5 та илмий мактаблар фаолиятининг йўлга қўйилиши, Халқаро Ислом академияси иш бошлаши — булар ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги улкан бурилишлардир.**

Кузатаймиз, кўрайтмиз, Президентимиз қаерга борса, табаррук манзиллар, азиз авлиёларимиз макон топган ҳадамжоларни зиёрат қилиб, бундай масканларни асраб-авайлаш, янада обод этиш ҳақида кўрсатма ва топшириқ беришди.

Хусусан, Шавкат Мирзиёев яқинда Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида ҳам дастлаб Имом Бухорий макбарасини зиёрат қилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ёлғорлик мажмуаси ёнида илмий-тадқиқот маркази қад ростлади. Марказ Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломаларнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, Ўзбекистон ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни ўзбек халқи ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бу ерда аждодларнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча керакли шароитлар яратилган. Ушбу марказ билан танишиш чоғида Президентимиз: *«Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди. Бу марказ мамлакатимизга илм, барака олиб келади. Ёшларимизга билим, куч беради. Бу ерда ўқиганлар, зиёратга келганлар катта маънавият, маърифат олади»* деб таъкидлади. Бундан фахрланасан, хурсанд бўласан, киши. Кувонмай бўладими, ахир, қарийб унут бўлаётган қадриятларимиз тикланяпти, бутун умрини илму маърифат, дину диннат йўлига бахшида этган бобокалонларимиз, устозларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Қайд этиш ўринлики, диний-маънавий маърифат, аждодлар меросини ўрганиш, ёшлар тарбиясини тақомиллаштириш масалалари халқаро ҳамкорликни тақозо этади. Ўзбекистон Президентининг ақин ва узоқ кўшилар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйишга оид ташаббуси диний соҳани ҳам ўз ичига қамраб олмақда.

Шавкат Мирзиёев томонидан БМТнинг 72-сессиясида илгари суртилган

таклифлар, билдирилган фикрлар бутун дунё ақлини ўйга толдирди, мушоҳадага чорлади. Бу минбардан туриб, Имом Бухорий, Имом Термизий каби беназир муҳаддислар номининг тилга олиниши ватанпарварликдан ташқари чексиз жасорат ва азму шижоат белгисидир. Давлатимиз раҳбари мазкур сессияда муқаддас ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти ҳақида сўз юритди. БМТнинг махсус «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиқиб, бу ҳужжатнинг асосий мақсади барчанинг таълим олиш




ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборатлигини алоҳида таъкидлади. Бу таклифлар жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилди.

Очингани айтганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил бўлганидан буён ҳали шу давргача ислом тўғрисида, унинг тинчликпарвар ва инсонпарвар дин экани хусусида биронта давлат раҳбари ёки бошқа мақомдаги нотiq сўзламаган, гапирмаган. Бу — ҳақиқат! Ислом дини кимлардир ўйлаётган террорчилар дини эмас, у тинчликпарвар дин. Уни ўша салбий, ножоиз муносабатлардан сақлашимиз, асрашимиз керак, деган гапни ким айта олади? Буни Аллоҳ қалбига солган одамгина айтди.

Динимизда яхшилик, раҳмдиллик беҳад улугланган. Яхшилик ва ҳилм дарахтини эккан омонлик, хотиржамлик мевасини териб олади. Ёвузлик уруғини селган пушаймонлик, надомат ҳосилини йиғиб олади. Ҳақиқий комил инсон ёмон хислатлардан, номатқул ва номарғуб

**«Бу марказ мамлакатимизга илм, барака олиб келади. Ёшларимизга билим, куч беради. Бу ерда ўқиганлар, зиёратга келганлар катта маънавият, маърифат олади».**



Шавкат МИРЗИЁЕВ

хулқ-атвордан пок бўлади, гўзал сифат ва ахлоқ билан ўзини ораста қилади, ёмонлардан четланади, ҳеч кимга озор етказмайди. Ким қилган яхшилиги ёки амали билан мақтанса, унинг барча яхшиликлари ёмонликка айланади.

Хусайн Воиз Кошифий айтдики, «Гўзал феъл-атворнинг нишониси ўнтакдир ва буларнинг биринчиси бошқаларга яхшилик қилишдир». Яхшилик қилиш билан ҳеч нарса ютқазмайсиз. Саъдий Шерозий айтганидай, «Бир шам бошқа бир шамни ёққани билан нуридан ҳеч нарса камаймайди».

Ислом моҳиятан тинчлик динидир. Унда бировларга озор бериш, зулм қўратиш қатъий қораланади. Муқаддас динимизни ниқоб қилиб олганлар, ўзларидан диний пешво ясаб олиб,



турли фатволарни, йўл-йўриқларни «амалиётга» киритадиганлар билиши керакки, динимизда, Қуръони каримда ҳамма масала муфассал ёритилган. Шундай экан, эътиқоди энди-энди шаклланиб келаётганларга, исломий амаллардан беҳабар кишиларга билиб-билмай ақл ўргатаётганлар аввал ўзини йиғиштириб олиши керак. Афсуски, баъзан соқол қўймаган ёки рўмол ўрамаганнинг ибодати қабул бўлмайди қабилидаги гапларни ҳам эшитиб қоляпмиз. Айримлар аёллар ёппасига ҳижоб ўрашини, эркаклар эса соқол қўйиб юриши кераклигини айтишади. Нега, деб сўрасангиз тайинли жавоби йўқ, аммо важоҳати оламни бузаман, дейди. Ваҳоланки, асл ибодат, итоат қалбда бўлади. Ўзгалар учун намоз ўқилмайди ёхуд бировдан мактов эшитиш учун саждага борилмайди. Кимнинг қалбидан нима бор ва у қалб соҳиб қандай амаллар пайида бўлмоқда, унинг ибодати қабул бўлгани ёки бўлмагани фақат Аллоҳгагина маълум. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Албатта Аллоҳ жисмларингиз ва суратларингизга қарамайди. Лекин У зот қалбларингиз ва амалларингизга қарайди».

Донишмандларнинг эътирофича, одамзот ўз умри давомида қанчалик ҳавас билан япаса, унинг умри узун бўларкан. Аксинча, ҳасад, ичи қоралик, кўролмаслик каби иллатлар одамни еб-битирар экан. Тўғри, ҳаёт бор экан, одам боласи турли пасту баландликларга дуч келади: омадсиз одам иши ўнгидан келган ҳасад қилади, гарчи ҳеч қандай ёмонлик кўрмаган бўлса-да, уни нийбат қилишдан чарчамайди. Одамлар ўртасидаги бундай салбий муносабатларни тушунса, кеңирса бўлар, аммо ўз Ватанини кўролмаслик — бу иллатлар илдиридир.

Шу ўринда ҳақиқат бир савол туғилди: асрлар давомида юриш-туришимиз, урф-одатларимиз, удумларимиз, маросим-маъракатларимизнинг ажралмас қисмига айланган диний эътиқодимизга путур етказмоқчи бўлганларнинг қилмиши терроризм балоси каби муҳим оқибатларни келтириб чиқармаслигига ким кафолат бера олади? Эҳтиёт бўлмасак, огоҳлик широримизга айланмаса, бундай хатти-ҳаракатлар ҳали маънавий дунёқароши тўлиқ шаклланиб улғурмаган фарзандларимиз келажагига соя солиши мумкин. Шу боис бутунги диний-маърифий йўналишида олиб борилаётган ишлар замирида ёшларга динимизнинг асл моҳиятини тўғри тушуниришдек эзгу ва улғувор мақсад муҳимдир.

Аслида дилда бори тилга чиқади. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришган илк кунларда ноқ мамлакатда диний-маърифий ислохотларга алоҳида ургу бера бошлади. Бинобарин, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига қаратилган ислохотлар ҳам муқаддас Ислом дини улуглаган фазилатлар — бағрикенглик, саховат, силайи раҳм, муруват, яхшилик каби солиҳ амалларга ҳамоанглиги билан таъсирли ҳамда ибратли.

Ҳозирги кунда инсоният, жумладан, мусулмон олами икки муаммо ва хатарга дуч келмоқда: бир томондан, исломий ақидаларни сохталаштириш, Ислом динининг широрлари панасига ўтиб олиш воситасида жаҳоннинг турли бурчакларида қон тўкилмоқда, шаҳарлар, қишлоқлар вайронга айлантирилмоқда. Иккинчи томондан, вужудга келган вазиятдан, ҳар қандай, ҳатто, маънавий турмушдаги айрим жиноятларда ҳам динимиз ва унинг таълимотига хуруж қилишга, исломни ёмон кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Шавкат Мирзиёев бундай уринишларга кескин танқидий муносабат билдирди: *«Биз буюк динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, ҳаётда асл инсоний фазилятларни қарор топтиришга даъват этади».*

Умуман, Ислом динининг асл моҳиятини, унинг тинчликпарварлик ва эзгуликка асосланганини ҳар томонлама мукамал намоён этиш мақсадида амалга оширилаётган бундай саяё-ҳаракатларнинг ҳар бири муҳим аҳамиятга эга.

Шайх Абдулазиз МАНСУР

Ойда униб чиққан илк ўсимликлар нобуд бўлди. Аввалроқ Ойда картошка ва пахта уруғи униб чиққани ҳақида хабар берилганди.





# ИККИ ЁШЛИ БОЛАЛАР ҲАМ БОҒЧАГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

— Ёлғиз онаман. Фарзандим икки ёшга тўлгани сабабли иш-хонам бола пулини тўлашни тўхтатди. Энди ишга чиқишим керак, лекин боғчалар болани уч ёшдан қабул қиламиз деяпти. Ишга чиқмасам, моддий томондан қийналиб қоламман, ишлай десам фарзандимга қаровчи йўқ. Бундай вазиятда қандай йўл тутсам бўлади?

Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси «Мақтабгача таълим: муаммо, ислохот ва ечим» мавзусида бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари юқоридаги саволга ҳам изоҳ берди.

— 2 ёшдан ҳам болаларни боғчага қамаб олиш мумкин, — дейди Мақтабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Собитхон Турғунов.

— Бунинг учун ота-оналар фақатгина нодавлат оилавий мақтабгача таълим муассасаларига мурожаат қилиши талаб этилади. Ушбу боғчалар 25 нафаргача болани қабул қилади. Болалар умумий сонининг 70 фоиз тўлови давлат МТМ-ларидан юқори бўлмайди. Чунки оилавий МТМларнинг юмшоқ мебеллари, озик-овқатлари, тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчилари иш ҳақи давлат томонидан молиялаштирилади.

Таъкидланишича, мақтабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантиришни тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни МТМга жойлаштиришдир. Бугунги кунда юртимизда 2 миллион 610 мингдан ортиқ шу ёшдаги бола бор. Айни дамда уларнинг 37,4 фоизи мақтабгача таълим тизимига қамаб олинган. Сўнгги йилларда давлат ва хусусий МТМлар тармоғи сезиларли ривожланди. 2017 йилда 5 минг 211 та МТМ фаолият олиб борган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 6 минг 669 тани ташкил этди. Шундан 5 минг 641 таси жамоат, 639 таси хусусий ва 389 таси давлат-хусусий шерикчили-

ги асосида иш юрляпти. Ўтган йил бошида нодавлат МТМ сони 257 та эди, йил охирида уларнинг сони 1 минг 28 тага етди.

Пресс-клуб муҳокамасида 2018 йилда соҳада эришилган натижалар таҳлил қилинди. Тизимни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган ҳужжатлар, педагог кадрлар салоҳияти каби қатор

**2018 йилда мамлакатимизда 40 дан ортиқ давлат МТМ қурилган. Жорий йилда эса 5 та янги МТМ барпо этилади. Асосан бўш турган бинолар реконструкция қилинади. Яъни 447 та давлат МТМ таъмирланади.**

масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Қўмитамиз томонидан «Мақтабгача таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Абдурашид Абдуқодиров. — Унда жойлардаги МТМлар фаолиятини ўрганиш жараёнида аниқланган муаммолар, мутахассисларнинг фикрлари ва аҳоли томонидан билди-

рилган таклифлар ҳам инобатга олинмоқда.

— 2016 йилдан бошлаб мақтабгача таълим тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Корея, Германия, Финландия, Россия ва бошқа хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда ўқув режалари такомиллаштирилди, — дейди Тошкент давлат педагогика университети Мақтабгача таълим кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Нарғиза Жамилова. — 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб махсус сиртқи бўлим фаолияти йўлга қўйилди. 2018-2019 ўқув йилидан бакалаврларни тайёрлаш муддати уч йил этиб белгиланди. Бундан ташқари, 5 йиллик сиртқи бўлим ҳам фаолиятини бошлади. Педагогика йўналишини битирган, лекин мақтабгача таълим йўналишида мутахассислиги бўлмаганлар тўрт ойлик тайёрловдан ўтди. Педагог бўлмаган мутахассислар ҳам олти ойлик мақтабгача таълим йўналишида қайта сабоқ олиб, ҳозирда шу тизимда ишламоқда.

Таъкидланишича, жорий йилдан эътиборан барча 6 ёшли болаларни мақтабга тайёрлаш таълими мажбурий тарзда амалга оширилади.

Хуршид ҚОДИРОВ,  
«Жамият» мухбири

## МАҚТАБЛАРДА ЯНГИ ЛАВОЗИМ

Спорт мақтабларидаги тренер-ўқитувчилар таркиби Олимпия ва Паралампия ўйинлари, Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари мусобақаларининг голиб ва совриндорлари билан тўлдирилиши мумкин.

Олимпиада голиблари спорт мақтабларида тренерлик қилиши учун аттестациядан ўтмасдан руҳсатнома олади. Шунингдек, мазкур йўналишдаги мақтабларда спорт ишлари бўйича директор ўринбосари лавозими жорий этилди.

## ХОРИЖ ДИПЛОМИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАН ОЛИНАДИ

2019 йил 1 мартдан хорижда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тўғридан-тўғри (махсус сиволарсиз) тан олинади ва нострификация қилинади. Бу қандай шахсларга нисбатан амал қилиши давлатимиз раҳбарининг «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида баътафсил акс этди.

Ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш тўғрисидаги аризалар фақатгина Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинади.

## Янгиликдан хабардормисиз?

### ЭЪТИРОЗГА ЎРИН ҚОЛДИРМАНГ!

Сизни меҳнат ҳуқуқи, унинг поймол этилиши билан боғлиқ бирор муаммо ёки камчилик қийнаётган бўлса, уни тез ва осон ҳал этишнинг яна бир имкони яратилмоқда.

Яъни, Адлия вазирлиги томонидан жорий йилнинг январь-февраль ойларида республика миқёсида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан онлайн тарзда анкета сўрови ўтказилади. Унда аноним ёки шахсни кўрсатган ҳолда иштирок этиш мумкин. Шахсни кўрсатган иштирокчиларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш юзасидан чоралар кўрилади.



## МАҚОМ БЎЙИЧА ЯНА БИР ТАНЛОВ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий мақомлар асосида яратилган замонавий йўналишдаги «Энг яхши саҳна асарлари» республика танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси жойлаштирилди.

Ҳужжатда белгиланишича, композиторлар ўртасида миллий мақомлар асосида яратилган замонавий йўналишдаги «Энг яхши саҳна асарлари» республика танлови 2019 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши мумкин.

## МАЪМУРИЙ ЖАЗОДАН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККАЧА

Президентимиз «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиш-ни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни имзолади.

Қонун билан Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритилди. Унга мувофиқ, валюта қимматликларини миқдоридан қатъий назар қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Эндиликда анча миқдорда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва маъмурий жазо қўлланилмасдан тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

ТУЗАТИШ: Газетаимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги 52-сонидан эълон қилинган «ННТ: Муаммоларга 2 кунда жавоб топилди» сарлавҳали мақоладаги «...семинар иштирокчилари бирин-кетин муаммоларни санаб ўтди. Нега айнан бир нодавлат ташкилот Олий Мажлис ҳузуридagi Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грантларини кетма-кет олади?», деган фикрлар Фонд раҳбариятининг эътирозига сабаб бўлди. Таҳририят томонидан ушбу масала қайта ўрганиб чиқилганда ҳақиқатдан ҳам муаллиф томонидан ахборот нотўғри талқин қилингани маълум бўлди.



Намангандан кейин Сурхондарёда ҳам бодом гуллади. Жанубий вилоятда бу йил деярли қор ёғмади.

# ТАДБИРКОР НЕГА ХОР?

## Ёхуд суғурта компанияси ваъдасини бажаришни пайсалга соляпти



«SOF GIGIENIK» МЧЖ корхонаси 2012 йилдан болалар тагликлари, «FRESH DAY» МЧЖ корхонаси эса 2015 йилдан бери аёлларнинг гигиеник воситаларини ишлаб чиқаришни бошлаган. Ушбу корхоналар Қибрай тумани Байтўғрғон маҳалла аҳолисининг 150 нафарини иш билан таъминлаган эди. Айни пайтда улар фаолият юритмаяпти...

Мазкур корхоналар ички бозор талабини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида кўшни давлатлар — Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистонга экспортни йўлга қўйган эди.

Корхонага замонавий Европа стандартларига жавоб берадиган ускуналар Хитойдан келтириб ўрнатилган. Улар «Агробанк» томонидан ажратилган кредит эвазига олинган. Гаровга корхона ва тадбиркорларнинг мол-мулклари қўйилган эди.

«SOF GIGIENIK» МЧЖ корхонаси 2012 йилдан бери юртимиз аҳолисини PRIMA, JONNY, SAHARA ва LALAKU каби турли брендлар остида сифатли маҳсулотларни етказиб бермоқда. «FRESH DAY» МЧЖ эса 2015 йил август ойида тўлиқ ишга тушган бўлиб, у ҳам ҳар хил гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

2018 йилнинг 4 январь кuni эрталаб корхонада ёнгин чиққан. Ишлаб чиқариш ускуналари ва бинолар ёниб, батамом яроқсиз ҳолга келган. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари бир суткадан ошдироқ вақт курашиб, ёнгинни бартараф этган. Бу вақт мобайнида иккита корхона ичида хомашёси, тайёр

маҳсулотлари, КАРА юк автомобили билан бирга қулга айланади. Ўзтиборлиси, гаровга қўйилган мол-мулкнинг аксарияти «EUROASIA INSURANCE» суғурта компаниясида суғурталанган.

— Айни вақтда корхонага келтирилган зарарни қоплаб бериш бўйича 2018 йилнинг 5 январь кuni юқорида келтирилган ташкилотга ариза билан муурожаат қилдик, — дейди «SOF GIGIENIK» МЧЖ раҳбари Азизбек Солиев. — Муурожаатимизни ўрганиш давомида компания экспертиза хулосаси олинмасдан туриб, суғурта товонини тўламаслигини маълум қилди. Экспертга хулосасини тақдим этганимиздан кейин эса суғурта шартномасидаги суғурта қопламаси тўловини истисно этувчи ҳолатларни излаб, суғурта қопламасини тўламаслик мақсадида барча маълумотларни бизга қарши киритишга ҳаракат қилмоқда. Мана, бир йилдан ошса ҳам ҳаракатларимиз зое кетмоқда. Биз ҳар бир ҳолатга адолат билан қонуний ёндашилишни хоҳлаймиз.

Бу гапларни эшитгандан сўнг «EUROASIA INSURANCE» суғурта компанияси билан телефон орқали боғландик. Вазиятдан келиб чиқиб, улар ҳам ўз фикрларини билдирди...

— Бу бўйича жиноий иш қўзғатилгани сабабли орадан вақт ўтди, — дейди компаниянинг Даъволар билан ишлаш департаменти бош менежери Қаҳрамон Тўлаганов. — Корхона билан ўртамазда тузилган шартномага асосан бундай вазиятларда суднинг қарорини кутишимиз керак. Кейин масалани компа-



ниямиз комиссияси кўриб чиқади. Шундан сўнггина суғурта қопламасини тўлаш-тўламаслигимиз маълум бўлади.

Ўзтиборлиси, бугун корхоналар 21 миллиарддан ошди зарар кўрган бўлса, суғурта компаниялари узоғи 4 миллиард тўлаб бериши керак, холос. Шунинг учун кредит фонзи ой сайин ошиб бормоқда.

«FRESH DAY» МЧЖ йилига 28 миллион донагача 3 хил ўлчамли импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп тайёр сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга эди. 232 минг АҚШ доллари миқдорда Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларига экспорт амалга оширилиб, яна 132 минг 500 АҚШ доллари экспорт шартномалари имзоланган эди.

«FRESH DAY» МЧЖ раҳбари Алишер Ҳақимовнинг айтишича, айни вақтда корхона фаолияти батамом тўхтаб, банкротлик ҳолатида.

— Фаолият бошлаганимиздан бундан 150 нафардан ортиқ иш ўрни яратган бўлсак, буларнинг барчаси шу ҳудуд аҳолиси эди, — дейди А.Ҳақимов. — Уларнинг аксарияти уйда ишсиз ўтирган аёллар ва коллеж битирув-

чилари эди. Айни пайтда шунча одам ишсиз. Биздан тезроқ иш ўринларини қайта тиклашни илтимос қилиб, умид билан кўтиб турибди. Агар ўз вақтида суғурта қопламаси тўлаб берилганда ўтган бир йилда ҳаминқадар ишни йўлга қўйган бўлардик. Ҳозирда банкдан қарз олиш фонзи билан қарийб олти юз минг долларга етди. Ўтган бир йил давомида бормасан жойимиз қолмади.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар берилмаган бир пайтда иккита корхонанинг кули кўкка соғирлишини, бунинг натижасида одамлар ишсиз қолиши ачинарли ҳол, албатта. Зеро, Президентимиз «Икки одамни иш билан таъминлаганини елкада кўтариб юрمان» деб бежиз айтмаган. Ўйлаймизки, буни тушуниб етган тегишли ташкилотлар масалани алоҳида ўзтибор қаратиб, суғурта қопламасини ундиришда тадбиркорларга ёрдам кўрсатишди. Бу ишлар тезроқ амалга оширилмас, катта қарзнинг фонзи ҳам ўсиб, тадбиркорлар аҳволи янада оғирлашади.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,  
«Жамият» мухбири



Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг «Давлат ва фуқаролар ҳамкорлигининг замонавий механизми» грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

# УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ БИЗГА КЕРАКМИ?

Тахмин қилинишича, 2050 йилга бориб дунёдаги ҳар ўн нафар одамнинг еттитаси шаҳарларда яшаш мумкин. Маълумотларга қўра, бугунги кунда республикамиз шаҳарларида аҳолининг 50,6 фоизи истиқомат қилмоқда. Мазкур кўрсаткич келажақда пасайиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти томонидан эълон қилинадиган дунё мамлакатларининг урбанизация даражаси кўрсаткичи бўйича рейтингда Ўзбекистон 218 та мамлакат орасида 147-ўринни эгаллаган.

Урбанизация — шаҳарлар ролининг ортishi, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши (миграцияси), қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарчаларга айлантирилиши, шаҳар маданияти ва жамияти ривожланиши, умуман, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратил-

ган узлуксиз жараён ҳисобланади.

Президентимизнинг жорий йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиздаги жадал демографик ўсиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, мамлакатда урбанизация жараёнларининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Албатта, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши учун давлат биринчи навбатда асосий яшаш шароитлари — уй-жой, ичимлик суви, электр энергияси, жамоат транспорти ва бошқа зарур қулайликларни яратиши керак. Шу боис юқоридаги ҳужжатда юртимизда урбанизация жараёнларининг биринчи йўналиши сифатида мутлақо янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш, жумладан, кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган тураржойларни қуришга йўналтирилган инвестицияларни қўллаб-қувватлаш белгиланди.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар учун тураржой ва нотураржой, бино ва иншоотлар остидаги ер участкаларига эгаллик қилиш ҳуқуқи кафолатлари белгилаб берилмоқда. Унга қўра, 2019 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон

Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилган бино ва иншоотлар, саноат инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкалари, шунингдек, уларга туташ ҳудудлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур миқдордаги ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари яқка тартибда уй-жой қуриши ва тураржойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш имконига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ер участкаларини хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади. Бу жараён фақатгина кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган пуллик миқдор асосида амалга оширилади. Ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси томонидан янги шаҳарларнинг бош режалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, улар учун зарур бўлган муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишини молиялаштиришга сарфланади.

Ер участкаларини хусусийлаштириш фуқаролар ва корхоналарга нима беради, деган савол туғилиши табиий. Эндилик-

## Таҳлил

да ер участкалари фуқаролик муомаласи объектлари ҳисобланади. Яъни, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида шартнома асосида олд-сотди қилиниши мумкин. Энг муҳими, жисмоний ва юридик шахслар томонидан хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк деб тан олинади. Унинг дахлсизлиги давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бу, ўз навбатида, ерга бўлган муносабат тубдан ўзгаришига, унга нисбатан фуқароларда манфаатдорлик ҳисси ортishi, ердан самарали фойдаланиш, миллий иқтисодиётимизга инвестициялар оқимининг кўпайишига олиб келади.

Ҳужжат билан урбанизация жараёнларини тартибга солиш ва соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида махсус давлат органи — Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Урбанизация агентлиги ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг тарихий ақолиятга эга ушбу ҳужжатда назарда тутилган масалалар аҳоли ва юрт фаровонлигини ошириш, ерга нисбатан мулк ҳуқуқи бериш ҳамда унинг кафолатларини яратиш, иқтисодий ривожлантириш, энг муҳими, Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига қириши йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Алишер КАРИМОВ,  
Адлия вазирлиги  
бошқарма бошлиғи

Британия Парламенти Бош вазир Тереза Мэйнинг Вазирлар Маҳкамасига ишончсизлик овозини йиға олмади.



Тадбиркор сифатида корхона очсам, сарф қилган харажатларимни қоплаш ва қўшимча даромад олиш мақсадида корхонамнинг ходимлари масаласини ҳам ўйлаб кўраман. Бунда менга, энг муҳими, даромадни кўпайтириш. Ходимларимнинг ҳам даромади яхши бўлиши, менинг товарларим бозориги бўлиши учун рекламадан ҳам фойдаланаман. Ходимларимнинг маҳоратидан ҳам. Ва, энг муҳими, фақат хусусий объектлари бор одамларгина биладиган даромад манбаларини ишлаб чиқаман. Яъни, менга ўхшаганлар бозор иқтисодининг қайси тамойилдан фойдаланиб даромад қилипти? Шунга ўрганиб, шаклни ўзгартираман. Лекин ҳеч қачон менинг корхонамда маънавийтсизликка йўл қўйилмайди. Бу широрим ҳам.



## ТЕЛЕВИЗОР КЎРИШГА КЎРҚИБ ҚОЛДИМ

Бу гапларни нега айтаялман? Бозор иқтисоди ҳамма нарсани бозорга олиб чиқди. Китоб савдосини ҳам, газета савдосини ҳам. Ҳатто, радио ва телевидениени ҳам. Ҳа, шундай. Ахир, хусусий каналлар очилиб, кўрсатув ва эшиттиришлар раиғ-баранг тус олгани бор гап-ку. Хусусий бўлганидан кейин улар қандай кўрсатув қўйиши ҳам, қанақа реклама намоиши этиши ҳам ўзининг ички иши. Бизнинг ишимиз томоша қилиш, эшитиш. Ёқмаса, бошқа каналга улаймиз, уям ёқмаса, ўчириб қўямиз. Ўчириб қўйиш осон иш. Фашинг келатган бўлса, тинчийсан. Бироқ менинг болам ўчириб қўймай эшитса, мамлакатнинг ёшлари ўчириб қўймай тингласа, ўчириб қўйдим деб хотиржам ўтиролмас экансан-да.

Нима қилайлик-ки, бунақа маза-матрасиз сўзлар ёшларнинг ҳам оммавий сўзлашув тилига айланиб бормоқда. Ҳатто, машҳур кинолардаги ибораларга ўхшаб уларнинг сўзлари айланиб юради: «калла қўйда бўлади», сингари. Тонгги кўрсатувларда бир-бири билан айтишаётган, сохта мулозамат қилаётган йигит ва қизлар ўзбек тилининг ниҳоятда сершевалигини далиллаб беради. Бу ёқда тилимизнинг софлиги учун ўн-ўн бешта зиёли тилига терсақ чиқиб гапиргани қолади. Гап гап жойида, сўз сўз жойида, қолаверди. Бу ёқда маънавийт «гуллагандан гуллаб» ётибди.

Бирор шаклда намоиш этиш керак. Яна шундай кўрсатувлар борки (қайси канал, нима кўрсатув эканини билмаётганим — тезда ўчириб қўя қолганимдан бўлса керак), баланд ўрнатилган студия қиз бола оёғини чалиштириб ўтириб бошловчилик қилади. Ҳатто, шимиди йитиқ-йиртиқ безаклар ҳам бор!

Бугунги хусусий телерадиоканаллар мана шу масалада менинг оромимни бузмокда. Негаки, жаргонлар, тўқима гаплар шу каналлардаги қўшиқларда, кўрсатув ва эшиттиришларда болаб ётибди. Бир куни таксида ишга келатсам, ҳайдовчи радио қўйди. Унда «бағоятда миннатдор бўлаётган» бошловчи ўз шевасида бизга «эртая» айтиб берди! Ўзбек тилида «ғоят», «ғоятда» ёки «бағоят» сўзлари бор. «Бағоятда» хусусий радиоканалларнинг кундалик нуқта. Хусусий телесаналларнинг ҳам бошловчилари ёшлар яхши кўрадиган шоу-бизнесчилар. Улар саломалайкум деган ёввойи ўт каби ҳамма томорқани чим қилиб олган. Бездириб юборган бир хил сўзлар тўйдаям, кўча-қўйдаман, хусусий каналлардаям айланиб юрибди. «Эфир олдида қақриб қолган бўлар эдик», «Насиб рўзи бўлишини тилаб қоламиз»... Бу қаторни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Мамлакатимизда хусусий каналларнинг кўпайгани яхши. Рақобат пайдо бўлади, ўз-ўзидан рақобат бор жойда савия ва салмоқ ҳам ошади. Ҳар бир телеканал очилишини байрамдек кутиб олган пайтимиз бўлган. Айниқса, «Миллий» каналнинг дунёга келиши кўпчиликни қувонтирди. Миллий сўзи миллатнинг ўзаги дегандек-да. Ундан кўп нарсаларни ҳақли равишда кутдик. Ҳатто, боломнусхали логотипи ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Бироқ ўхшамаган помидорнусханинг тез-тез эфирда кўриниши кўпчиликнинг гашига тегар экан. Логотип бодом бўлгач, бодом билан боелик роликлар ишлаб чиқилса, яхши бўлмасмиди? Ҳали ариллаб йиғлаши, ҳали ҳамма жойи болганган ҳолатда пайдо бўлаверишидан нима мантқиқ? Агар ўша «pomidor group» ҳойимий, ташкилотчиси бўлса, уни ҳам, албатта, бошқа

Ҳозир энг урчигани кулдириш билан боелик кўрсатувлар. Уларни кўриб, раҳматли Ҳажибой Тожибоевнинг ортидан яна бир бор дуо қиламиз, холос. Ҳатто, безиб ҳам тураман, ҳозир бирор фаҳш маъноли гап чиқиб қолмасин-да деб. Базан бошловчиларнинг гапларини эшитиб туриб, шу йигит (ёки қиз) тўйларда ўртакашлиқдан иш бошлаганини аниқлаб олса бўлади. Бирам билағон-ей бўлар. Шоу-бизнесчиларнинг аксарияти ҳозир кўрсатувларда бошловчими, суҳандонми, кимдир ёки нималир. Яхши, кўрсатувларнинг сифатини яхшилаш, кўримчилик даражасини ошириш, ёшлар орасида оммалаштириш учун каналлар орасида шундай оммавий йўл тутилар. Бироқ...

Республикамиздаги иккига нуфузли олий таълим муассасаси (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тилилари университети) журналист кадрлар етиштирди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети иш бошлади. Ҳар йили шу университетлардан кўплаб ёш кадрлар етишиб

чиқади. Уларнинг тил билиш ва билим салоҳиятига қараб, қойил қоламиз. Телеканаллар ушбу ёшлар ишга қабул қилса, уларнинг билими ва малакасини ўз ривожига йўналтирилса, ҳеч бўлмаса, матнларни тўғри ёзиш, тўғри сўзлашда маслақлош бўлса нур устига аъло нур бўлар эди.

Яна мен юқорида тўхталганим — ўз корхонамни очмоқчи бўлсам, даромад манбаини кўпайтириш мақсадида бошқаларга эргашиб иш тутаман ва бунда ўзимнинг мустақил позициям бўлиши ҳақида. Агар ўша хусусий каналлардан бирортасини мен ташкил қилсам, балки таниқли қиёфаларни кўнгилочар кўрсатувларга таклиф қиларман. Бироқ мақсад-муддао фақат даромад қўламини кўпайтиришдан ташқари одамларнинг маънавий оламига ҳам нимадир олиб кириш бўлади. Қачонгача одамларга шоирлар эси паст қилиб кўрсатилади? Қачонгача нуруний отахонлар ва онахонлар ҳажв куроли бўлади?

Титрларда кетаётган хатолар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳамма ижтимоий тармоқлардаги хатоларни, ёшларнинг ўзаро ёзишмаларидаги хатоларни тез-тез гапирлади зиёлилар минбари бўлган телерадиоканаллардаги ёзишмаларда, сўзлашувда хатолар камроқ тилга олинди. Балки мен нотўғри фикрлаётгандирман. Кун бўйи ишда бўлиб, эрталаб ва кечқурун фарзандларим билан бирор кўнгилочар кўрсатув кўрайлик десам, шундай кўрсатувларга дуч келатгандирман. Аслида, уларнинг яхши дастурлари кўплди. Аммо аксарият кўрсатувлар шевада боиланиб, шевада туаши, мутлақо луғатларда йўқ сўзлар, иборалар ишлатилиши энг катта минбар бўлган телевидениенинг обрўсини туширади, холос.

Хурматли, корчалонлар, биз оналар сиз намоиш этаётган сериаллар, реклама роликлари, кўрсатувлар маънавий доирасида бўлишини истаймиз. Сизнинг шахсий ишингизга аралашаётган бўлсак, кечиринг. Лекин Сизнинг намоишингиз менинг уйимга кириб келатган экан, бу ҳақда жим тура олмадим. Аниқроғи — менга зарар етказаяпсиз...

Манзура ШАМС

## ЖИЛОВ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?! ёки «Браво» концерти ҳақида

Миллион жамоасининг собиқ аъзоларидан таркиб топган «Браво» номли гуруҳнинг концерти кўпчилик ёшларнинг тилига тушиб улгурди. Кўча-қўйда ҳам уларнинг саҳнадаги «ҳазил»лари кулоққа тез-тез чалинапти. Масалан, «отсангиз отинг, бўлмаса ётинг!», «еттинчи синфда Наргизани севдим...» ёки «Командир ҳам жонга тегди, пистолетим сонга тегди» каби тузсиз жумлалар... Ушбу оғзаки рекламалар таъсирида концерт видеосини ота-онам ва опа-сингилларимдан беркиниб, худди айб иш қилаётгандек томоша қилдим.

саҳналарни айтмаганда, тўлиқ интим мавзу етакчилик қилди. Чунки булар 1 ярим соатлик концертининг тахминан 10 дақиқасини ташкил этади, холос.

Айниқса, «Битирув кечаси» деб номланган чиқишда ўқитувчилар кўнгилни айнитадиган даражада очикча масхараланган. Муаллимни ўқувчи кўтариб кириши, илмоқли гаплардаги бузуқлик, ҳатто, зиё тарқатувчининг беўхшов рақси жуда бўрттириб юборилган. Ўзингиз ўйланг, наҳотки, тўрт ёки беш йил олий даргоҳда таълим олган киши ўзини шунчалар аҳоқона тутса-я?! Чикиш сўнггида руҳан хаста ўқитувчи бир юмалаб ўқувчига айланиб қолишига нима дейсиз?! Ана «мантқиқ!»

Пастдан тепага ёққан ёмғирни эса турган-битгани «беждан пастга» ишора билан йўғрилган. Жамоанинг Шаҳло исмли яккахон «актриса»сининг чиқишлари 4200 томошанинг «завқ» берди. Ҳа, у ҳаммани кулдириди, аммо бугун, эртага ва ундан кейин ҳам унинг ўзбек қизларига «ибрат»идан куйиб қолмаймизми?! Ориятини пеш қиладиган йигитлар ўзини йўқотиб қулишдан аввал, «унинг ўрнида синглим бўлганда нима бўларди



ёки опамнинг касби ҳам актриса-ку, демак, артист дегани шуми?» деган ўйлан қийналмадимикми?

Бошловчи Абдуфаттоҳ Абдуалимов концерт сўнггида беҳаё сўзларнинг ишқибозларига ташаккур билдириб, миллийликни, қадриятларимизни ва Ватанини улдуловчи шеър билан жамоа аъзоларини виждон азобидан қутқаргандек бўлди.

Ҳақли савол туғилади: «Ўзбекконцерт» балиғи кенгаши қаерга қараяпти? Улар концерта айтиладиган жумлаларнинг назорати жиловини қўлга олганми ёки жамоанинг «қўлига қараганми?»

Айтганча, айна пайтда «Браво»нинг

ҳомийларидан бири «ЗўрТВ» концертни ойнаи жаҳон орқали намоиш этмоқда. Бу билан «есанг ҳам ейсан, смасанг ҳам ейсан» қабилда иш тутаяптимики? Саволлар бисёр, бироқ бу саволларга жавоб бергувчилар жимм...

Биз — журналистлар ҳам бунга ўхшаган концертларни танқид қилаёلمиз, деб баъзида реклама вазифасини ўтаб қоляпмиз. Қолаверса, «Яхши отга бир қамчи...», деган мақол танқидларимиз тақдирига умуман мос тушмаяпти. Бир эмас, бир неча «қамчи»ларимиз шунчаки қоғозда қолиб кетаяпти. Ахир, шу пайтгача шунга ўхшаган жамоалар ҳар бир концертдан сўнг танқид остига олинган бўлса-да, фаолиятини ижобий томонга ўзгартиришни ҳаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Хуллас, концертни кўриб бўлгач, Ҳофиз Шерозийнинг: «Менга ёр ўйда ишрат куриш имкони йўқ ҳар дам, Қилуркан кўнгулқоқ фарёёки, юкни боғлағ гофиллар...» деган байтлари ёдимга тушади.

Мана энди, не-не табаррук устозларнинг изи қолган ва бугун ҳам неча-неча санъат усталари учун орзу бўлган «Халқлар дўстлиги» саройининг муқаддас саҳнасида очик-ошкоро маънавий бузуқлик томошасини ҳам кўриш мумкин. Минг афсус...

Бегали ЭШОНҚУЛОВ



Тошкентдаги каналлар бўйида 12 та сайилгоҳ ташкил этилади. Бунга 190 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилади.

**Сўнгги йилларда Ўзбекистон дунёнинг барча мамлакатлари билан самарали муносабатлар ўрнатмоқда. Унутилаётган алоқалар қайта тикланиб ривожлантирилди. Хусусан, Президентимизнинг ўтган йили Францияга ташрифи тарихий воқеа бўлди. Ана шундай ҳамкорлик ришталари бошқа мамлакатлар билан ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 20-22 январь кунлари давлатимиз раҳбари Германия Федератив Республикасига ташриф буюради. Кутулаётган ташриф доирасида икки томонлама муносабатларни янги bosқичга чиқариш кўзда тутилмоқда.**

**Шу мақсадда биз ҳам бугунги Германияга оид мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.**

# ГЕРМАНИЯ МЎҶИЗАСИ

қурбонлик жамият келажаги учун хизмат қилишни теран англайди. Мазкур юртда коррупция ва жиноятчилик даражаси бошқа мамлакатларга қараганда анча паст.

## Таълим

Германияда ота-оналар, умуман давлат бор эътиборини таълимга қаратган. Шунинг учун болаларга катта талаблар қўйилади. Агар болада фанни ўзлаштиришда қийинчилик пайдо бўлса, улар дарҳол кўшимча дарсларга берилади ёки репетитор ёлланади. Болаларнинг

тира олади. Кўплаб тарихий обидалар, қасрлар, музейлар ва маданий марказлар, ўрмонлар, денгиз соҳиллари, дам олиш масканлари мавжуд бўлиб, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган сайёҳлар ўзи истаган саёхатни амалга ошириш мумкин. Қолаверса, Германия сўнгги йилларда ишбилармон доира вакиллари ҳам ўзига кенг жалб этмоқда. Босиси у ерда ишбилармонлар учун кўплаб халқаро тадбирлар, учрашувлар ташкил этилади. Сийёсий мунозара ва музокара-лар учун ҳам кўп ҳолларда шу юрт танланади.

Германия иқтисод вазирлиги ва Федерал туризм иттифоқининг 2017 йилда ўтказган тадқиқотларига кўра, мамлакатнинг туризм бўйича йиллик айланмаси 290 миллиард евро ни ташкил қилмоқда. Ташриф буюрувчилар саёхати давомида 40 миллиард евро сарфланган.

Уч миллионга яқин инсон айнан туризм йўналишида меҳнат қилади. Бу жами меҳнатқашларнинг 6,8 фоизини ташкил қилади. Энг муҳими, рақамлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб, мамлакатга 121 миллион меҳмон келиши кутилмоқда. Бу рақамларнинг катта қисми европаликлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, Жанубий Америка ва Шимоли-Шарқий Осиёдан ҳам туристларнинг катта оқимини кутишга тайёргарлик кўрилмоқда.

## Санъат ва адабиёт

Германия нафақат ишлаб чиқариш соҳаси бўйича, балки санъат ва адабиёт намояндалари билан ҳам фахрлана олади. Хусусан, муסיқачилар Иоганн Себастьян Бах ва Людвиг ван Бетховен, адабиётчи ака-ука Якоб ва Вильгельм Гримм, Иоганн Вольфганг Гёте, Иоганн Фридрих Шиллер, Генрих Гейне, Лион Фейхтвангер, Эрих Мария Марк, философи Мозес Мендельсон, Людвиг Фейербах, Георг Вильгельм Фридрих Гегель каби машҳур шахслар немис адабиёти ва санъатига муносиб ҳисса қўшган. Уларнинг асарлари дунё бўйича севиб ўрганилади.

## Спорт

Европанинг кўҳна мамлакатини спорт ривожланиш бўйича анча олдинда. Олимпиада, жаҳон, қитъа мусобақаларида германияликлар юқори ўринларни забт этиб келмоқда. Жумладан, футбол борасида Германияда ўзига хос мактаб яратилгани бир неча жаҳон чемпионатларида ўз исботини топди. Футбол мутахассисларию, олдий ишқибозлари мазкур мамлакат терма жамоасини «немис машинаси» деб атайдди. Зеро, мазкур «машина» яшил майдонларда қўйиллатиб ўйнайдикки, бу таъриф бежиз эмаслигига амин бўласиз. Германия ўз тарихида футбол бўйича 4 қарра жаҳон чемпионлигини, 3 марта Европа чемпионлигини қўлга киритган. Сўнгги жаҳон чемпионлигини 2014 йил Бразилияда ўтказилган турнирда эгаллаганди.

Умуман олданда, Германия терма жамоаси мухлислари дунёнинг истаган мамлакатидан топилади. Улар орасида ўзбекистонликлар ҳам бор.

Руфат НЕЪМАТОВ

Жаҳон айвони

**Дунёда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммо ва қийинчиликларни сабот билан енгиб ўта олган давлатлар санокли. Улар сирасига ҳеч иккиланмасдан Германияни ҳам киритиш мумкин. Мазкур мамлакат дунё халқларининг ҳам эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. «GfK» маркетинг тадқиқотлари институти томонидан ўтказилган сўровномага кўра, 2017 йили Германия машҳурлик бўйича бошқа мамлакатларни орта қолдириб, етакорга айланди. Респондентларнинг асосий қисми дунёда сеvimли юртингиз қайси деган саволга айнан уни танлади.**

Мутахассисларнинг айтишича, у бундай юқори кўрсаткичга қулай инвестицион муҳит, ижтимоий тенглик яратиш орқали эришди. Бугунги кунда Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти энг ривожланган мамлакатлар қаторига кириди. Унинг ички ва ташқи сибсатидан, парламентидан кўплаб давлатлар намуна олиб келмоқда. Айниқса, ҳокимият тақсимотида адолат мезонларига тўла риоя этилгани туфайли мамлакат тобора ривожланиб бормоқда.

Германиянинг тез фуруратларда дунёнинг ривожланган мамлакатига айланиш сирини барча учун жуда қизиқ. Зеро, мамлакат ўтган саксон йил давомида икки марта жаҳон урушида иштирок этди. Мағлубиятга қарамай, оёққа турди. Экспертларнинг фикрича, бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Шунчаки немис характери ривожланиш йўлида ўзини тўла намоён этди. Халқ ўтмишдан ҳулоса чиқариб, келажак сари дадил одимлади. Уруш асоратлари оғир вазиятнинг вужудга келтирган бўлса-да, немис олимларининг катта қисми мамлакатда қолди. Унинг ривож учун меҳнат қилди. Иккига бўлинган Германия 1990 йилда қайта биришди. Бирлашув даврида эса Шарқий Германияда иқтисодий, ижтимоий аҳвол жуда ночор эди. Унинг тикланиши анча вақт ва маблаг талаб этса-да, немислар тезда бирилашиб, шарқий томонни ҳам тиклашга эришди.

## Бугунги иқтисод сирини

Хўш, иқтисодиётни бошқа ютуқлар

ри замирида яна нималар бор? Айтиш мумкинки, Германияда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка тўла эркинлик берилган. Улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Айни пайтда мамлакатда кичик бизнес субъектлари сони 3,5 миллионга яқин. Кичик бизнес вакилларининг асосий қисми оилавий тadbиркорлик йўналишида фаолият юритади ва уларнинг ҳар бири 1 йилда ўртача 700 минг евро даромад кўради. Салкам бир миллион евро бу оилавий тadbиркорликнинг фақат ўзидан. Шунинг учун аҳолининг катта қисми кўпроқ шу йўналишида меҳнат қилади.

Қолаверса, бизнес учун яратилган эркинлик, имкониёт ва турли имтиёзлар, қулай муҳит, хориж капитал учун чекловлар йўқлиги чет эллик тadbиркорларнинг Германия иқтисодиётига фаол инвестиция киритилишида бош омилга айланган.


Бундан ташқари, мамлакат ўзининг саноати билан ҳам дунёга мақтана олади. Мамлакат электротехника, машинасозлик, кимё, кemasозлик бўйича етакчи ўринларда туради. Бунинг исботи сифатида «Mercedes-Benz», «BMW», «Porsche», «Volkswagen» каби компанияларни эътироф этиш кифоя. Шунингдек, Германия самолёт, кема, поезд, автомобиль, электр аппаратлари экспорти бўйича ҳам жаҳонда пешқадамлардандир.

## У ҳақда шундай дейишадди

Интернет оламида Германия хусусида у ерда яшаган, меҳнат қилган инсонларнинг турли фикрлари акс этган. Уларнинг барчасида немис халқи ҳақида фақат ижобий фикрларни ўқиб ва ўқиш мумкин. Аксар мулоҳазаларда келтирилишича, немис халқи ишнинг тўғри ташкил этишга алоҳида эътибор беради. Шунинг учун ўз вақти ва кучини тўғри тақсимлайди. Ҳар бир немис бизнесининг сердаромад бўлиши учун ишнинг самарали бошлашга ҳаракат қилади. Муҳим жиҳати, уларни қисқа муддатли эмас, кўпроқ узок муддатли самардорлик қизиқтиради.

Немис халқи яқинлиқни яхши кўради. Бир-бирининг фикрига қулоқ тутади. Мисол учун, қарорлар қабул қилишда раҳбарлар билан бирга олдий ходимлар ҳам иштирок этади. Немис раҳбарлари мунтазам равишда ходимларини эришган муваффақияти учун муносиб рағбатлантиришга интилади. Раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабат ҳамкорлардек.

Айниқса, оғир пайтларда немислар ўз манфаатларини жамият манфаати учун қурбон қилишга тайёр. Халқ бу



бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ундан унумли фойдаланиб билим бериш анъанасига айланган. Фарзандлар камолоти йўлида давлат ва фуқаролар ҳамфикр, ҳамкорликда иш олиб боради.

Германия мактаб таълим тизими 13 йиллик ҳисобланади. Мактабларнинг асосий бюджетини давлат томонидан шакллантирилади. Бундан ташқари, мамлакатда хусусий мактаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар 2 мингга тақриб қилади. Маълумотларга кўра, бу ерда жами ўқувчиларнинг 5 фоизи таълим олади. Қизиқ томони, баҳолаш мезонларида. Мактабларда ўқувчиларни баҳолаш 3-синфдан бошланар экан.

Олий ўқув юртларида ўқиш асосан бепул амалга оширилади. Уларнинг асосий қисми давлат томонидан молиялаштирилади. Тўғри, хусусий таълим масканлари ҳам бор. Аммо кўп эмас.

Бепул, ўз навбатида, сифатли таълим нафақат маҳаллий абитуриентларни, балки хорижлик ёшларни ҳам ўзига жалб этиб келади. Статистик маълумотларга кўра, 2013 йилда 220 минг нафар чет эллик талаба мазкур мамлакат таълим масканларида таҳсил олган.

## Туризм

Айни пайтда Германия дунё саёҳларининг энг сеvimли масканларидан бирига айланиб улгурган. Мамлакатнинг ҳар бир ҳудуди сайёҳларни ҳайратлан-



10 кун ичида пойтахтда хорижга чиқиш паспорти учун 8 мингдан ортиқ ариза топширилди.

## Гапирмаса, ўқиёлмаса — хаста эмас!

**О**датда айрича ота-оналар фарзандининг тилан кечроқ чиққанини ёки мактабга чиқса-да, ҳарфларни бошқача талаффуз қиллаётганидан шикоят қилади. Бу ҳолатга кўпчилик боланинг ҳали ёшлагив, улгайган сари муаммо йўқолиб кетади деган маслаҳатларни беради.

Мутахассислар 5-6 ёшдаги болалар ҳарфларни ойнадаги акси каби тескари ҳолатда ёса ёки чалкаштиришидан унчалик ташвишга тушмасликни маслаҳат беради. Чунки фарзандининг хатолик сўз ўқиши учун, энг аввало, бош мианинг маълум тузилмалари шаклланиб улгурган бўлиши лозим. Бу одатда бола 7 ёшга тулганида амалга ошади. Агар 4 ёшда болада ёшга мос равишда нутқи ҳам мейёрда (оғзаки нутқда товушларни ажрата олса) бўл-

са-ю, бўғиндан сўз ясай олмаса, сабр қилиш керак. 1-1,5 йил ўтгач, ҳаммаса жойига тушиб кетади.

**Бирок бу даврда ҳам боланинг ўқиши ёки талаффузида ўзгариш**



**бўлмаса, унда хавотирга тушиш мумкин. Бу жараён дислексия — ўқиш жараёнининг қисман ўзгачароқ тарзда бузилиши, дейилади. Бу ҳолатда бола ҳарфларни таниш, ундан бўғин ва сўз яшаш, шунингдек, ўқиганларини тушунмайди. Яъни, у сўзни тўғри ўқий олмайди. Қолаверса, ҳарфни товуш билан боғлолмайди, ўқиган матнни эса тушунмайди.**

Психологлар дислексияни кўриш орқали қабул қилувчи, бош мианинг қисмлари ўртасидаги алоқанинг бузилиши деб изоҳлайди. Бундай ҳолатда кўриш орқали қабул қилинган образ сўз шаклига кирмайди. Бу ҳолатнинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Масалан, гўдак тугилаётганда кислотод етишмаслиги, бўйин ва умуртқадаги шикаст, ирсий ўзгариш ёки қийин кечган ҳар қандай касалликларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Дислексиянинг фонематик кўринишида бола жарангли ва жарангсиз, унли ва ундош товушларни фарқлай олмайди. Яъни «т» ҳарфини «д» шаклида ўқийди. Масалан, («гап»ни «дап», «у»ни «о» тарзида). Бундан ташқари, бола бўғинлаб эмас, балки ҳарфлаб ўқийди, ҳарфларни тушириб қолдиради. У товуш ва бўғиннинг ўрнини алмаштиради. Айтиш керакики, дислексия касаллик эмас. Балки бола тугилганидан бошлаб унинг ривожланганига қадар ундаги мия тузилмаларининг шаклланиши ва бош мия ишлашининг ўзига хослигини кўрсатади. Шунга қарамадан ўқишда қийналаётган болани мутахассисга кўрсатиш зарур.

**Холбек ЗОКИРОВ,**  
Наманган давлат университети магистранти

## Сардор энди Европада ўйнайди

**Ф**утбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Сардор Рашидов Европада йўл олади.

Тошкентнинг «Локомотив» клуби сафида ҳаракат қилган спортчи кейинги мавсумдан фаолиятини Португалиянинг «Насьонал» жамоасида давом эттиради. Айтилишича, Қатар, Саудия Арабистони ва БАА клубларидан таклиф бўлиши-


га қарамай Сардор яқунда Португалия клуби билан 2,5 йиллик шартнома имзолаган. Маълумот учун Сардор Рашидов пойтахтнинг «Бунёдкор», Қатарнинг «Ал-Жайш», БААнинг «Ал-Жазира» жамоаларида ҳам ўйна-



## Олимпиада чемпионидан галаба кутамиз!

19 январь тонгида бокс бўйича Олимпиада чемпиони, жаҳон чемпиони кумуш медали соҳиби, Фазлидин Ғойибназаров ўзининг навбатдаги жангини ўтказди.

Ҳамюртимиз доминиканлик боксчи Рикардо Гарсияга қарши рингта кўтарилади. Профессинал боксда 6 марта рингта кўтарилган ва барчасида галаба қозонган (3 та нокаут) Фазлидин учун бу галли қарама-қаршилик еттинчига айланади.



## Ғолибга 12 минг доллар

2018 йилнинг 20-28 октябрь кунлари Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида спорт курашлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати, шунингдек, 1-10 ноябрь кунлари Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати

ғолиб ва совриндорларига пул мукофоти топширилди.

Унга кўра, олтин медали кўлга киритган спортчига 12 минг, кумуш учун 6 минг ҳамда бронза медали совриндорлари 3 минг доллардан пул мукофотига эга бўлди. Шунингдек, жаҳон чемпиони гойибларининг мураббийлари мос равишда 6 минг, 3 минг ва 1,5 минг долларга эга бўлди.

## Кўшнига яхшилик қил...

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: «**Йаброил алайҳиссалом менга кўшнига яхшилик қилиш борасида шунча кўп насиҳат қилганидан у уларни мерос олишга ҳам ҳақдор, деб қарор берди, дея гумон қилдим**», дедилар.

\*\*\*

Ибн Шурайх ал-Хузийдан ривоят қилинади. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «**Кимки Аллох таоло ва охират кўшига иймон келтирган бўлса, бас, кўшниси билан чиройли муомала қилсин...**»

Имом Муслим ривоятлари

## Б-ХАВО

18 январь	+11°C	+4°C
19 январь	+10°C	-3°C
20 январь	+4°C	0°C
21 январь	+6°C	-2°C
22 январь	+6°C	-2°C
23 январь	+7°C	-1°C
24 январь	+6°C	-2°C

ob-havo.uz сайтидан олинган

## ЖАМИЯТ

**Муассислар:**  
Фўқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фўқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

**Бош муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Рустам Комилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Саид-Абдулазиз Юсупов  
Шавкат Жавлонов  
Руфат Нейматов  
Феруза Мирзақомилова

Газета таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-114 Адади: 2504.

Жума кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Баҳоиси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Хайрулло Астанакулов

Дизайнер: Беғали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 42.  
Маълумот учун телефон: 233-72-77, 236-10-87.  
Реклама ва эълонлар учун: 233-91-55  
Электрон почта: jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
УЗА якуни:  
Топширилган вақти: 22.15  
1 2 3 4 6